



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

« 12 » aprel 20 21 yil

02-02/02 1865 - sonli

Миллий марказ директориға

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31-декабрдаги “Умумумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги 2019 йил 30-сентябрдаги 823 сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 831 сонли қарорининг д-кичик банди 3-хатбошига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими тизими бўйича жами 24 нафар 100 фоизлик устама ҳақ олишга давогар педагог ходимларнинг рўйхати умумтаълим мактаблардаги Ишчи гуруҳнинг қарори асосида халқаро баҳолаш тадқиқотлари туркумига кирувчи фанлар доирасида шакллантирилди.

Мазкур Қарорнинг д-кичик банди 1-хатбошида “Умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари фаолияти давомида халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларга ўқувчиларни тайёрлаб бориш ишларига муносиб ҳисса қўшган педагог ходимларга мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган устамалар ўрнига базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз бўлган устама ҳақ тўланади” деб кўрсатилган. Ушбу фан ўқитувчилари қайси синфларда ва қайси фанлардан дарс (таълим тили) беришлари лозим ва 100 фоизлик устама ҳақ олишга давогар педагог ходимлар рўйхати биз томондан тўғри шакллантирилганлигига аниқлик киритиб беришингизни сўрайман.

Шунингдек, мазкур қарорнинг д-кичик банди 4-хатбошига “100 фоизлик устама ҳақ олишга давогар педагог ходимларнинг машғулот олиб борадиган фанлари бўйича ўқувчиларининг билимларини халқаро баҳолаш дастурлари интеграция қилинган назорат материаллари асосида ўтказиладиган синовлар натижаларига кўра аниқланиши” белгиланган.

Шу муносабат билан Сиздан, қарорининг е-кичик банди 2-хатбошида мазкур назорат материалларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази билан ҳамкорликда Республика таълим маркази томонидан тайёрланиши белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда, 100 фоизлик устама ҳақ олишга давогар педагог ходимларнинг машғулот олиб борадиган фанлари бўйича ўқувчиларининг билимларини синовдан ўтказиш мақсадида назорат материалларини шакллантиришда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

100 фоизлик устама ҳақида давогар педагог ходимларнинг рўйхати илова қилинади.

Вазир

Р.Реимов